



CHARACTERISTICS OF TRAINING SERVICE DOGS IN POWER STRUCTURES

Ahmedov O. T.

Ph.D., Head of the Center,
o.axmedov1970@mail.ru,

Grechkina Yu. A.

Center for Cynology Specialist, Special Operations Coordination Department of the
Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan Special Training
Center+998974902114

Akhmedova F. N.

Assistant of the Department of Microbiology and
Pharmacology, Tashkent Institute of Dentistry
f.axmedova11.04@gmail.com, +998977745147

Annotation

The article discusses the ways of using "service dogs-detectors" in the rapid detection of patients with "COVID-19" and training of service dogs.

Keywords: detector, service dog, illness, virus, quarantine, selection of a service dog, training, clicker, conditioned reflex.

Аннотация. Мақолада «COVID-19» билан касалланганларни тезкор аниқлаш йўналишида "детектор хизмат итлари"дан фойдаланиш усулини қўллаш ва хизмат итларини тайёрлаш саволлари кўриб чиқилган.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы способы использование «служебных собак-детекторов» при оперативном обнаружении больных «COVID-19» и дрессировки служебных собак.

Калит сўзлар: детектор хизмат ити, касаллик, вирус, карантин, хизмат итини танлаш, тайёрлаш, кликкер, шартли рефлекс.

Ключивые слова: служебная собака детектор, болезни, вирус, карантин, отбор служебной собаки, дрессировка, кликер, условный рефлекс.

Бутун дунёни ларзага солган «COVID-19» пандемиясига қарши кураш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади ва бу муаммо барча давлатларни катта ташвишга солмоқда. Ушбу муаммо билан боғлиқ масалаларда, хусусан «COVID-19» билан касалланган беморларни тезкор аниқлаш йўналишида "детектор хизмат итлари"дан фойдаланиш усулини қўллаш бўйича ривожланган Европа давлатлари биринчилар қаторида тадқиқотлар ўтказилди.



Маълумки детектор хизмат итлар инсонлардаги онкология, малерия, Панкерсон синдирами, тубер-кулез, қандли диабет ва бошқа касалликларни аниқлашда қўлланиб келинган. Айрим давлатларда детектор итлар касалхоналарда, клиникаларда, аэропортларда юқумли касаллик билан оғриган беморларни аниқлашда фойдаланиб келинган.

Дубай аэропортида биринчи бўлиб детектор хизмат итларидан короновирусга қарши курашда фойдаланиш йўлга қўйилди. Хизмат итлари одамлар билан контакт қилмасдан, масофадан туриб қўлланилган. Детектор ити йўловчиларни хидлаш орқали короновирус билан оғриган беморларни аниқлаш вазифа этиб белгиланган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра итлар ёрдамида касалланганларни аниқлаш 92 % ни ташкил этган. Дубай кинология хизмати мутахассисларининг фикрига кўра короновирус билан касалланган беморларни аниқлаш учун хизмат итларини тайёрлаш жараёни жиддий ва узоқ давом этади. Шунингдек, энг муҳими бунинг учун махсус лаборатория, махсус ускуналар ва итларни ўргатиш учун «COVID-19» билан касалланган бемор терлашидан олинган намуналар зарур бўлади [1].

Австрия Мудофаа вазирлигида ҳам «COVID-19» билан оғриган касалларни аниқлаш мақсадида итларни ўргата бошлаган. Мутахассис кинологлар инсонда касалликнинг симптоми кўринмаган ҳолатда ҳам короновирусни аниқлаш имконияти борлиги тўғрисидаги фикрни илгари сурмоқдалар. Итларни тайёрлаш ҳарбий марказда амалга оширилмоқда. Короновирус билан касалланган беморнинг бурни ва оғзидан олинган инфекция молекуларлари жойлаштирилган махсус трубкалардан фойдаланган ҳолда дастлаб итларни ўргатиш жараёни амалга оширилмоқда, кейинчалик беморлар таққан ниқоблар орқали ўргатиш ишларини давом эттириш кўзда тутилган. Ўргатиш учун бельгия овчаркаси зотига мансуб итлар танлаб олинган. [2].

Буюк Британияда ҳам короновирусни тезкор аниқлаш учун итлардан фойдаланиш борасида ишлар олиб борилган. Олимлар ўз тадқиқотларида, итлар малерия инфекцияси билан касалланган беморларни белиланган талаблардан ҳам юқори даражада аниқлаш қобилиятига эга эканлигини аниқлашган. Эндиликда вирусолог, микробиолог ва кинологлардан иборат бир гуруҳ мутахассислар «COVID-19» юққан касалларни диагностика жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги юзасидан тадқиқотларни давом эттирмоқдалар. Қўлланилаётган усулда инсон танасидаги ҳарорат даражаси бўйича касалланганларни аниқлаш масаласига эътибор қаратилган, бу борада ўргатилаётган итлар соатига 250 нафар одамни текшириш ва касалланган одамни тезкор аниқлаш имкониятига эга бўлади ҳамда касалланган одамни тиббий



текширувга юборилади, касаллик аниқланмаган одамларга сарфланадиган тиббий текширув харажатлари тежаллади.

Хельсинкида олиб борилаётган тадқиқотларда эса ҳайвонларга, жумладан уй ҳайвонлари ит ва мушукларга инсонлардан короновирус касаллигининг юқиш муаммоси ўрганилган. Тадқиқотлар натижасига кўра одам орқали уй ҳайвонларига, айниқса ит ва мушукларга вирусни юқиши тасдиқланган. Бу эса касалликларни тезкор аниқлаш мақсадида хизмат итларини жалб этиш борасида Буюк Британия, Франция ва Россия давлатларида олиб борилаётган ишларга жиддий ёндашиш кераклигини тақазо этмоқда. Ушбу масалага Олмония мутахассислари жуда эҳтиёткорлик билан ёндашмоқдалар, барча тўпланган маълумотларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, хизмат итларини ўргатиш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, короновирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижрога қаратилган [3].

Таъкидлаш лозимки, короновирус билан боғлиқ вазият сўнгги пайтларда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда янада мураккаблашиб бормоқда. Кўплаб давлатлар инфекциянинг тарқалишини камайтириш учун илгари олиб ташланган чекловларни қайта киритишмоқда. Чеклов чораларининг ҳозирги босқичи объектив равишда аввалгиси билан солиштириб бўлмайди. Чеклов чоралари асосан хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳалари, яъни одамларнинг оммавий тўпланиши билан боғлиқ бўлган тармоқларга тегишли. Амалдаги чоратадбирлар вирус тарқалишини секинлаштиришга қаратилган бўлсада, ушбу касалликка қарши кураш ишларини янги усулларидан фойдаланиш масаласи долзарблигини йўқотмаяпти.

Детектор хизмат итларидан фойдаланиш масаласида республикамизда ҳам ўзига хос тажрибаси бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги "Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4861-сон Қарорига асосан Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси Махсус тайёргарлик ўқув марказида ушбу йўналишда ўқув курслар ташкил этилган ҳамда кинолог ходим ва детектор хизмат итини тайёрлаш ишлари муваффақиятли амалга оширилиб келинган.



Бугунги кунда Марказнинг хизмат итлари питомниги кинологлари микробиолог ва бошқа мутахассисларни жалб этган ҳолда «COVID-19» касаллигига қарши кураш йўналишида короновирус билан касалланганларни аниқлаш мақсадида детектор хизмат итларини тайёрлаш методикаси таклиф этилган.

Детектор хизмат итларини тайёрлашдан олдин, махсус тест синовлари орқали итларни танлаб олишда уларнинг “озиқ-овқат”, “ўлжа” ва бошқа таъсирлар бўйича реакцияларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Дастлабки тест синовлардан ўтган хизмат ити билан мутахассис кинолог томонидан махсус шуғулланилади. Ўргатиш ишлари энг оддий амалиёт итни ижтимоий мослашуви, бўйсинувчанлигини таъминлаш мақсадида умумий курс машғулотларидан бошланади. Ушбу машғулотларнинг асосий мақсади хизмат итини барча ҳолатларда ва унинг командаси ёки қўл ҳаракати билан доимий равишда бирга ёнма-ён юришига эришиш ҳисобланади. Ўргатилаётган хизмат итида ўтир, ёт, тур ва жойингда кўникмалари «Кликер» усулидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Детектор хизмат итлари йўналишига танлаб олинган кучук болага бошланғич кўникмаларни ўргатишда асосий эътибор, турли ўйинлар ва қизиқарли машқлар орқали жумладан, излаш, ҳидлаб топиш, тутган ўйинчоғини тишлаб тортиш каби амалга оширилади. Ўйинлар кейинчалик хизмат йўналишига буриб борилади ва бу борада мутахассис кинолог барча ўргатиш талабларига риоя этиши керак.

Кликер, чертувчи қурилма орқали итларни ўргатишнинг афзаллиги, турли салбий таъсирларсиз катта натижаларга эришиш мумкинлигида ҳисобланади. Ҳозирги кунда итларни ўргатишнинг энг замонавий усулларида бири саналади. Кликер ёрдамида барча командаларни максимал даражада аниқ ва тўлиқ бажарилишига эришилади. Итларни тайёрлашнинг кликер-тренинг асосида шартли рефлекс механизми ётади ва ушбу тренингни уч босқичда амалга ошириш тавсия этилади. Ўргатиш жараёнини бошлаш учун итларда шартли рефлекс хосил бўлган бўлиши лозим. Итлар бажарган амалларининг тўғрилигини “клик” чертгич орқали тасдиқлаб борилади. Нотўғри ҳаракатлар шаклланиб қолишидан сақланилади. Итларни ўргатиш учун мўлжалланган кликердан итнинг диққатини жалб қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин эмас. Яхши натижаларга эришиш учун итни гўшт бўлакчалари билан рағбатлантириб бориш зарур бўлади ва бунинг эвазига самарадорлик ортиб боради.

Кликер ёрдамида итларни тайёрлаш буйруққа йўналтирилмаган, уни қўллашдан мақсад керакли ҳатти-ҳаракатлар турини шакллантириш ва мустахкамлаш. Ит керакли ҳаракатларни ишончли намоёиш қилганидагина индивидуал буйруқлар ёки сигналлар киритилади ва бу одатдаги ўргатиш тизимига нисабатан катта



афзалликларга эгалигини кўрсатади. Итнинг ҳатти-ҳаракати кликер ёрдамида тўлиқ бошқариладиган бўлганидан кейин ўргатиш жараёнига овозли буйруқларни қўшиш мумкин бўлади. Дастлаб овозли команда берилади ва ит берилган командани бажаришини кутиб турилади. Хизмат ити командани бажариши биланоқ кликер чертилади ва ит рағбатлантирилади. Овозли командалар қисқа ва аниқ бўлиши талаб этилади.

Детектор хизмат итларини тайёрлаш учун қуйидаги махсус шароитлар яратилиши кўзда тутилиши зарур:

лаборатория хоналарида детектор итлар учун хидли изларни ўргатиш жараёнида хона ҳарорати +25 градус, ҳаво намлиги 60-80% бўлган, ташқи таъсирлар максимал даражада бартараф этилган шароит талаб этилади;

ўргатиш хонаси ўқув снарядлари, жумладан махсус идишли штативлар, айланма қурилма ва бошқалар билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши лозим;

«COVID-19» касаллиги билан боғлиқ хидларни оптимал даражада тадқиқот қилиш мақсадида беморлардан олинган сўлак, сийдик, экспресс-тест таёқчалари, бемор фойдаланган тиббий ниқоблар ва шахсий нарсаларидан хавфсизлик чораларини кўрилган ҳолда фойдаланилади;

«COVID-19» хид ташувчисини сақлаш ва консервациялаш учун махсус одорологик лаборатория ҳамда лаборатория фаолиятини ташкил этиш учун йўриқнома, хизмат кўрсатадиган вирусолог-лаборант, инфекционист билан таъминланиши керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, «COVID-19» касаллиги билан оғриган беморларни детектор хизмат итлари билан тезкор аниқлаш мақсадида хизмат итларини ўргатиш жараёнини тизимли ва тўғри ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўрилган ҳолда, тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда ҳаракат қилнса кўзланган натижага эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1) <https://ria.ru/20200817/1575813461.html>

2) <https://iz.ru/1037319/2020-07-19/v-avstrii-sluzhebnykh-sobak-nachali-uchit-poisku-bolnykh-covid-19-po-zapakhu>

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, Тошкент ш., 2020 йил 23 март, 176-сон.